

SHARQ MASH'ALI

Toshkent davlat sharqshunoslik instituti
ilmiy-uslubiy, ma'rifiy jurnali



2014 / 1

Илмий-услубий, маърифий журнал.
Таъсисчичи:
Ўзбекистон Республикаси Олий ва
ўрта мəхсус таълим вазирлиги
Тошкент давлат шарқшинослик
институти
1992 йилдан чиқа бошлаган

Журнал Ўзбекистон Республикаси
Тошкент шаҳар матбуот ва ахборот
бошкармаси рӯйхатидан қайта ўтган
(№ 02-0055 26 сентябрь 2014 йил)

Бош муҳаррир:

А. МАННОНОВ (проф., ф.ф.д.)

Таҳрир хайъати:

К. СОДИҚОВ (проф., ф.ф.д.)

(бош муҳаррир ўринбосари)

С. ХАСАНОВ (проф., ф.ф.д.)

А. КУРОНБЕКОВ (проф., ф.ф.д.)

Б. АБДУҲАЛИМОВ (т.ф.д.)

А. ДОНИЁРОВ (проф., т.ф.д.)

Н. КАРИМОВА (проф., т.ф.д.)

У. ИДИРОВ (с.ф.д.)

А. ҲАБИБУЛЛАЕВ (доц., ф.ф.н.)

М. АБДУРАҲМОНОВА (доц.,
ф.ф.н.)

Т. РИХСИЕВА (доц., ф.ф.н.)

У. МУҲИБОВА (доц., ф.ф.н.)

Б. ОБИДОВ (доц., т.ф.н.)

В. КИМ (доц., с.ф.н.)

Д. ПҮЛАТОВА (доц., фал.ф.н.)

Б. САДИБЕКОВА (доц., и.ф.н.)

Ш. ЭРМАМАТОВ (доц., и.ф.н.)

Нашрга тайёрловчилар:

Ш. ГАИПОВА

М. ЗАРИФОВ

Р. ШАВРИКОВА

Журнал оғизгаш-макет асосида
босилди.

Шарқ мавзалии, 2014 йил 1-сон

e-mail: sharq-jurnal@inbox.uz
web-site: www.tashgiv.uz

Босилига руҳсат этилди 30.09.2014
Бечимси 84x108 ½₁₆ Шартни б.т. 5.0
100 нусхади босилиди. Буюртма №
Баҳоси келининглан нархда.
Тошкент, Шахрисабз кўчаси, 25.
© Тошкент давлат шарқшинослик
институти, 2014.

Муаллиф фикри таҳририят нуқтаги
назаридан фарқланниши мумкин.

SHARQ MASH'ALI

ISSN 2010-9709

МУНДАРИЖА №1 (45) 2014 йил

| | |
|---|--|
| <i>Адабиёт ва бадиият</i> | <i>Қуронбеков А. "Ҳайрат ул-аброр"да инсон мақоми ...</i> 2 <i>Ходжасеева Р. Мамлуклар даврида туркӣ тил ва адабиёт ...</i> 13 <i>Ходжасеева Т., Мамажсанова М. Амрита I. Зулфия шеъриятида севги ва хижрон талю ...</i> 20 <i>Зиявуддинова М., Ҳуджсанова Д. Махмуд ибн ... Аз-Замахшарий ва аруз илми ...</i> 24 <i>Муҳиддинова Д. Араб хикоянавислигига услубий изланишлар ...</i> 27 |
| <i>Тил тарҳҳи</i> | <i>Содиков К. Темурийлар даврида яратилган уйгур ёзуви ёрликлар ...</i> 30 <i>Икрамжонов А. "Фатовои Қозихон" асари услуби ҳақида ...</i> 36 <i>Мақсадова М. Махмуд Қошгариининг "Девону лутатит-турк" асарида маколллар ...</i> 39 |
| <i>Хорижий тиллар сирлари</i> | <i>Бегизова Х. Хиндистонда инглиз тили мақоми ...</i> 42 <i>Насирова С. Семантические значения глаголов в политических текстах ...</i> 47 |
| <i>Бадиий таржисима масалалари</i> | <i>Сидиков К. "Кутадгу билиг" тўртликларининг таржималари ҳақида ...</i> 50 <i>Тейиабоева З. "Бобурнома"даги "Тенгри раҳматига бормок" фразеологик бирлигининг семантик майдони ва инглизча таржималари ...</i> 56 |
| <i>Шарқ санъати</i> | <i>Ибрагимова Ш. Турецкий теневой театр Карагэз ...</i> 59 <i>Аҳмедова С. Камолиддин Бехзод исходида нафосат фалсафаси ...</i> 63 |
| <i>Шарқ тиллари ва адабиётини ўқитиши</i> | <i>Сотибодиева С. Адабиёт фанини ўқитишида кејис технологияси ...</i> 69 <i>Абдураҳмонова М., Рихсиева Г. Ўзбек тилидаги барқарор бирималарни ўргатиш масалалари ...</i> 74 |
| <i>Янги таржисималар</i> | <i>Ошиқ Баёний шеъриятидан намуналар (Шабанов Ж.) ...</i> 77 |

В. Мей таржималари шаклий жиҳатдан мукаммал кўринишга эга бўлгани ҳолда аслият мантиги таржимада гализлашган ўринларнинг борлиги мутаржимнинг бевосита аслиятга эмас, балки воситачи тилга асосланганлиги билан ҳам белгиланади. Айни пайтда, тўртликлардаги бадиий тасвир воситалари, шеърий санъатлар ва бошка поэтик унсурларни семантик жиҳатдан қайта яратишида С. Н. Иванов ва Р. Денкоффнинг устунлиги яккол сезилади.

Аслиятдаги мақолларнинг қарийб барчаси сўзма-сўз ёки мазмунни бериш оркали ўгирилган. Бунинг натижасида мақолларнинг ўзига хос шеърий хусусиятлари, улардаги кофия ҳамоҳанглиги йўқолган. В. Мей талқинларининг кўпчилигидаги шаклий жиҳатга бўлган эътиборнинг кучлилиги сабабли аслиятдаги ҳалкона ҳикматлар таржимада акс этмай қолган, айрим ўринларда асар тили таржимада ўта замонавийлашиб кетган. Бу ҳолат воситачи тил – русча таржимада ҳам мавжуд. Бирок, С. Н. Иванов талқинларининг аксариятида аслиятдаги ҳалкона ҳикматлар тўла очиб берилган. Р. Денкофф ҳар бир мақолнинг умумий мазмунини бўлса-да, таржимада саклаб кола олган.



“БОБУРНОМА”ДАГИ “ТЕНГРИ РАҲМАТИГА БОРМОҚ” ФРАЗЕОЛОГИК БИРЛИГИНИНГ СЕМАНТИК МАЙДОНИ ВА ИНГЛИЗЧА ТАРЖИМАЛАРИ

ТЕШАБОЕВА ЗИЁДА

Катта илмий ходим-изланувчи, ЎзДЖТУ

Аннотация. Мақолада “Бобурнома”даги “Тенгри раҳматига бормоқ” фразеологик бирлигининг семантик майдон ҳосил қилиниши, вариантланини даражаси ва инглизча таржималари ўрганилади.

Таянч сўз ва иборалар: фразеологик соҳа, таълимот, фикр, фразеологик бирликлар, фразеологик вариантланиши, “Бобурнома”, аслият, асар, “Бобурнома” таржимаси, қиёсий таҳтия.

Аннотация. В статье изучаются фразеологическая единица “Тенгри раҳматига бормоқ” («Отправится к милости Аллаха») в книге «Бабурнаме» и изучение его семантического поля, уровень вариантыности и переводы на английский язык.

Опорные слова и выражения: фразеологическая сфера, фразеологические исследования, фразеологические единицы, варианты фразеологических единиц, «Бабурнаме», оригинал, произведение, перевод «Бабурнаме», сопоставительный анализ.

Summary. The author studies a phraseological unit “to go to God's Mercy” in “Boburnoma” and reveals their semantic meanings, the level of variance and translations into English.

Keywords and expressions: phraseological sphere, the study of phraseological units, phraseological units, the versions of phraseological units, “Boburnoma”, original work, the translations of “Boburnoma”, a comparative analysis.

Фразеология соҳаси тилшуносликнинг анчагина ўрганилган соҳаси бўлиб, таржимашунослик йўналишидаги мунозарали мавзу хисобланади. Бу ҳакда дастлаб рус олимлари В. Л. Архангельский, Э. Х. Рот, В. Н. Телия, Л. И. Ройзензон, Е. А. Малиновскийлар ўзларининг илмий ишларида фразеологиянинг шаклланиши ва таркиб тоғишини батафсил ёритиб берган бўлса, француз олимларидан Шарль Балли ўзининг “Стилистика Очерки” (1905) ва

“Француз стилистикаси” (1909) асарларида фразеологизмларни тадқиқ этувчи маҳсус боблар киритиб, фразеологизмларнинг ташки ва ички белгиларини бир-биридан фарқлаган¹.

Унинг таълимотига кўра, у “бундай бирлашмаларнинг структурал хусусиятлари таш-

¹ Йўлдошев Б. Ўзбек фразеологияси ва фразеографиясининг шаклланиши ҳамда тарккиёти. – Самарканд, 2007. 3-б.

ки белгилари, семантик табиати эса унинг ич-
ки белгилари хисобланади", – деган фикрни
илгари суралди.

Ўзбек олимларининг фразеология соҳаси-
даги илмий ишларига келсак, Ш. Раҳматул-
лаевнинг илмий тадқиқотида фразеологизм-
ларнинг семантик ва грамматик табиатининг
хосил килиниши, синонимик қаторнинг ву-
жудга келиши ва фразеологизмларнинг ва-
риантланиш хусусиятларини очиб беради¹.

Шулар қаторида К. Мусаев Ф. Саломов,
А. Маматов, Б. Йўлдошевлар ҳам ўзларин-
нинг илмий ишларидаги фразеологизмларни
турли жиҳатдан ўрганиб, монография ва ил-
мий асрлар яратгани илм аҳлига маълум.

Ўзбек адабиётини дунёга татбиқ ва ташвиқ
этишда таржимашунослик соҳасининг роли
гоят катта. Миллатнинг урф-одатлари, мада-
нияти, миллий-маданий хусусиятлари, турмуш
тарзини баён киласиган унинг ифтихори, маъ-
навий бойлиги саналмиш мақоллар, маталлар
ва фразеологик иборалар неча минг йиллар да-
вомида шаклланиб келган хазинадир.

Фразеология ҳакида сўз борар экан, ўзи-
нинг кўп маротаба инглиз тилига таржима
килиниши ва дунёга маълум ва машхур бў-
лишида, ёзилиш услубининг ўзига хослик
жиҳати билан барчани ҳайратта солган. Шу
бидан бирга, "Бобурнома" бошка адабиёт-
лардан фарқ киласиган, бугунги кунда ҳам
инсонни маънавий камолотга етакловчи асар
десак, хато бўлмайди.

Тарихий асар "Бобурнома" миллиатнинг ру-
хини шакллантиришида, ёшларни маънан етук,
қалбан баркамол килиб тарбиялашда муҳим
аҳамият касб этади. Миллий маданий хусуси-
ятларни ўзида касб этган фразеологик бирлик-
лар ўзга бир тилда намоён бўлиши ва уларнинг
таржималарини ўрганиш янада муҳимроқдир.

"Бобурнома"да шундай фразеологик бир-
ликлар учрайдики, улар синонимик қатор
хосил киласиди ва бир семантик майдон атрофида
фикрни чархлаб, тадқик имконини яратади.

Фразеологик бирликларнинг эквивалент-
лари мавжудлигини тадқик килмоқчи бўл-
сак, бу хусусда Ш. Раҳматуллаевнинг "ибо-
раларда вариантланиш бошка тил бирлик-

ларига нисбатан кучли бўлиб, бир иборанинг
вариантлар сони ўнтағача етади", деган фик-
ри беихтиёр ёдимизга келади. "Бобурнома"-
ни тадқик килганимизда, "ўлмок" лексик
бирлигининг ҳам ўндан ортиқ фразеологик
бирлик орқали ифода этилганинг гувоҳи
бўлдик. Агар аслиятда унинг эквивалентлари
ўнтадан ошса, унинг таржималарида фразео-
логик бирликлар ҳолати қандай, чет тилда
ҳам сон жиҳати ва хусусияти тенг кела олар-
микан?... Бундай ҳолатни "Бобурнома"нинг
таржималарини киёсан ўрганганда ўкувчига
маълум бўлади.

Туркий тил "Сўз мулкининг сultonи" дея
таърифга мушарраф бўлган аллома Алишер
Навоий тилидир. "Сўз мулкининг шаҳаншохи",
– дея таърифга эга бўлган шахс эса Навоийнинг
кичик замондоши бўлган Заҳириддин
Бобурдир. Ҳар иккала аллома туркий тилда
иқод килди, ўзларининг бетакор асрлари ор-
қали дунёга маълум ва машхур бўлди ва бугун-
ги кунда ҳам уларнинг асрларидан баҳраманд
бўлиб кўп ёдга оламиз.

Заҳириддин Бобурнинг "Бобурнома" аса-
ри эса дунё ҳалқлари адабиётининг шакл-
ланишига ўндан ортиқ чет тилга қилинган
таржималари орқали улкан ҳисса кўшиди.
Шундай фикр билан асар юзлаб маълумотлар
маскани эканлигининг шоҳиди бўламиз. Унда
жуда кўплаб фразеологик бирликлар ифода-
лаган. "Бобурнома"даги "шунқор бўлди" фра-
зеологик бирлиги (ўлди маъносида) мисол
учун В. Текстоннинг 1996 йилда нашр этти-
рилган инглизча таржимасида "gave up a
ghost" фразеологик бирлик (рухи учуб кетди)
орқали ифода этилади. Карангки, бу ерда
унинг таржимасида ҳам фразеологик бирлик
хусусиятини йўқотмай, балки иккинчи тилда-
ги ибора кучайтирилмоқда.

Шу каби фразеологик бирликларни юқо-
рида номи зикр этилган таржимоннинг аса-
рида қай тарзда ўтирилганини кузатиш иши-
мизнинг мақсадини белгилайди. Биз бу бо-
рада "Бобурнома"да ифодаланган фразеоло-
гик бирликларни аслиятдан саралаб олишда
матнда қандай бўлса (замонлар хусусида)
шундайлигича келтиришни маъкул деб топ-
дик. Уларнинг таржималари аслият мисоли-
га мос келиши ва турлича мазмунни ташкил
этишини кузатамиз.

¹ Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг фразеологик лу-
гати. – Т., 1992, 8-б.

Тенгри раҳматига борди¹ – passed away; Тенгри раҳматига борибтур – had gone to God's mercy; дунёйни фонийни видоъ қилдилар – bade farewell to this mortal world; шаҳид бўлди – killed; Тенгри раҳматига борди – went to God's mercy; олами фонийни видоъ қилди – he bade farewell to the mortal world; оламдин борди – departed this world; ўз амалига гирифтор бўлди – he fell prey to his own action; оламдин кечти – passed from this world; жувонмарг-бўлдилар – died young of shamed immoderation and debauchery; бўйнига урдурди – had him beheaded; сиёсатқа еткурди – he was sentenced to death; Кўксаройга чиқардилар – "They have taken the prince to the Kok Saray," meant that they had killed him taste; ёмон от била борди – departed with a bad name; зойиъ бўлди – loosing many of his men; олами фонийни видоъ қилгон экандур – had passed away; вафот қилгон экандур – passed away; оламдин нақл қилди – passed away; ўқ оламдин нақл қилди – he passed from this world with this affliction; ўқ оламдин борди – passing away; маъракаи жувонмарди зоҳир гардониданд – poison of death to taste (ўлим шаробини тотди) кабилар.

Юкорида келтирилган туркӣ тилдаги фразеологик бирликлар орасидан деярли шаклан бир хил бўлмаганларинигина танлаб оламиз: 1. Тенгри раҳматига борибтур 2. дунёйни фонийни видоъ қилдилар 3. оламдин борди 4. шаҳид бўлди 5. олами фонийни видоъ қилди 6. ўз амалига гирифтор бўлди 7. оламдин кечти 8. жувонмарг бўлдилар 9. бўйнига урдурди 10. сиёсатқа еткурди 11. Кўксаройга чиқардилар 12. ёмон от била борди 13. зойиъ бўлди 14. вафот қилгон экандур, 15. ўқ оламдин нақл қилди 16. маъракаи жувонмарди зоҳир гардониданд (ўлим шаробини тотди). Умумий сони 16 та фразеологик бирлик мавжуд бўлди, уларнинг инглизча таржималари куйидагилар:

1. had gone to God's mercy 2. bade farewell to this mortal world 3. departed this world 4. killed 5. he bade farewell to the mortal world 6. he fell prey to his own action 7. passed from this world 8. died young of shamed immo-

deration and debauchery 9. had him beheaded 10. he was sentenced to death 11. "They have taken the prince to the Kok Saray," meant that they had killed him taste 12. departed with a bad name 13. loosing many of his men 14. passed away 15. he passed from this world with this affliction 16. poison of death to taste² (ўлим шаробини тотди) кабилар.

Агар мисолларни кайтадан синчилаб ўқилса, юкоридаги аслиятдан келтирилган мисолларнинг инглизча таржимасида 16 тадан 9 таси, яъни: had gone to God's mercy, bade farewell to this mortal world, departed this world, he bade farewell to the mortal world, passed from this world, departed with a bad name, passed away, he passed from this world with this affliction, poison of death to taste лар инглиз тилида ўз хусусиятини йўқотмай, фразеологик бирлик тарзида таржима қилинганини кўришимиз мумкин. Таржимада баъзи унсурларни саклаш натижасида кисман йўқотишлар бўлиши табиий, албатта. Фразеологик бирлик ҳар качон ҳам фразеологик ибора бўлиб матда таржима килинавермайди.

Лекин тадқиқотимиз давомида шунга амин бўламизки, Ш. Раҳматуллаевнинг "ибораларда варианatlаниш бошқа тил бирликларига нисбатан кучли бўлиб, бир иборанинг варианtlар сони ўнtagача етади", – деган фикрининг тўғрилигини таъкидлаган холда "Бобурнома" асарида уларнинг ўнта эмас, балки ундан ҳам кўпроқ, ўн бешдан ортиқ варианtlари мавжудлигини ва булар эса инглизча таржималарда ҳам аниқ тасвирга эга эканлигини таъкидлаймиз. Туркӣ тилимизнинг иболарга бой эканлиги тарихий, бадний ёдгорликларимиз саналган Бобур ва Навоий асарлари эса бунга фактик мисол бўла олади.

¹ Бобурнома. Захириддин Мухаммад Бобур. – Т.: "Шарқ" НМАК, 2002. 335-б.

² Thackston W. The Baburnama. Memoirs of Babur, prince and emperor. The modern library. – New York, 2002. – P. 554.